БУГУН ЎЗБЕКИСТОН МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ III СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ

МАШИНАДА 600 МИНГ ТОННА ПАХТА ТЕРАМИЗ!

Республикамизнинг донгдор механизаторлари. СУРАТДА (чапдан ўнгга): Қорақалпоғистонлик механизатор Жумагул ИБРОҲИМОВА, Жиззах районидаги Москва» колхозининг механик-ҳайдовчиси Мастон РАЖАБОВА, Поп районидаги Ленин номли колхознинг механизатори Меликўзи УМРЗОҚОВ, бухоролик механик-ҳайдовчи Обида ҲАМРОЕВА, Чиноз районидаги Киров номли колхознинг механизатори Турсуной ОХУНОВА, машина-синаш станциясининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи Валентин ТЮПКО, қорақалпоғистонлик механизатор Ойим КАМОЛОВА, Шовот районидаги Киров номли колхознинг механик-ҳайдовчиси Ободон ДЎСОВА, андижонлик механизатор Эътиборхон НАБИЕВА, сурхондарёлик механизатор Назиртош ТУРАЕВ.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ ЎЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши № 202 (11.951) | Сешанба, 29 август 1961 йил | Баҳоси 2 тийин

ВАТАНГА КЎПЛАБ ПАХТА ЕТКАЗИБ БЕРАЙЛИК!

Мамлакатимиз завқли кунларни бошидан кечирмоқда. Барча совет кишилари КПСС XXII съездини зўр кўтаринки руҳ билан кутиб олмоқдалар. Пахтакор республикаларнинг меҳнаткаш-лари партиянинг навбатдаги съездини муносиб кутиб олиш учун мисли кўрилмаган ижодий ғайрат ва илҳом билан меҳнат қилаётирлар. Улар бу йил юз берган қийинчиликларни мардонавор енгиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар.

Ўзбекистонда, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон ва Арманистонда йиғим-терим бошланди. Ўзбекистон ССРнинг машҳур Фарғона водийси бундан икки кун илгари пахта теримига тушди. Қўқон пахта тозалаш заводига дастлабки 360 тонна аъло сифатли пахта топширилди. Бу ҳосилни республикадаги илғор Поп районининг колхозлари давлатга топширдилар. Поплик пахтакорлар йиллик планни КПСС XXII съезди очиладиган кунгача бажариш учун бошланган ажойиб ватанпарварлик ҳаракатининг ташаббускорларидир. Район меҳнаткашлари 17 октябргача давлатга 35 минг тонна «оқ олтин» сотиш мажбуриятини олдилар. Ўзбекистондаги кўпгина районлар давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун мусобақага қўшилдилар.

Тожикистон ССРнинг Ҳисор водийсидаги пахтакорлар йиғим-теримга муддатидан бир ой илгари киришдилар. Бу водийдаги хўжаликлар давлатга 124 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини олган. Бу водий далаларида пахта терадиган машиналардан 200 таси биринчи марта ишлайди.

Туркманистон колхоз ва совхозларидан хушхабарлар келмоқда. Тайёрлов пунктларига туркманистонлик пахтакорлар етиштирган ҳосил кела бошлади. Совет ингичка толали пахта сортининг ватани — Мурғоб водийси далаларида шу кунларда иш айниқса қизғин. Бу ерда йиғим-терим авж олиб кетди. Давлатга қимматли ҳосилнинг дастлабки 200 тоннаси топширилди. Арманистон колхозлари йиғим-теримни бошлаб юборди-лар. Октемберян районидаги Ленин номли колхоз тажриба-намуна хўжалиги бултургидан 20 кун олдин пахтани танлаб теришга тушди. З Саркисян бошлиқ бригада «оқ олтин»нинг дастлабки тонналарини териб олди. Бу бригада КПСС XXII съезди шарафига мусобақага қўшилиб 92 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 30 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олди. Қозоғистон ҳам теримга тушди. Республика бу йил давлатга 220 минг тонна ёки бултургидан 60 минг тонна кўп пахта топширишни мўлжаллаяпти. Ҳосилнинг анчагина қисми машинада териб олинади.

Пахта теримига тушилди. Ҳосилни йиғиб-териб олиш ҳамма жойда авж олмоқда. Ҳозир йиғим-терим ишларини намунали уюштириш, терилган пахтани тайёрлов пунктларига ўзлуксиз ташиб келтириб туриш, ҳосилнинг нобуд бўлишига мутлақо йўл қўймаслик ғоят муҳимдир. Астойдил меҳнат қилиб етиштирилган ҳосил сўнгги кўрагигача йиғиб-териб олиниши ва давлатга топширилиши керак.

Пахта — саноатимизнинг қиммат-ли хом ашёси, мамлакатимизнинг бойлиги. Партия ва совет органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари мамлакат пахтакорларига КПСС XXII съезди шарафига олган юксак социалистик мажбуриятларини намунали бажаришда ёрдам бериш учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўришлари керак.

Ҳозир дала ишларини ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим. Ҳар бир колхоз ва совхознинг, бригада, звеноннинг кунлик терим нормасини белгилаш, қишлоқлардаги ишга яроқли аҳолининг ҳаммасининг далага чиқишини, шунингдек кунлик терим нормасининг бажаришини таъминлаш зарур. Кунда терилган пахтанинг ўша куни кундузи тайёрлов пунктига топширилиши муҳимдир. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари теримчиларнинг моддий манфаатдорлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, уларнинг меҳнатига ўз вақтида ва тўғри ҳақ тўланишини кузатиб туришлари керак.

Пахтани машинада теришга давлатнинг энг муҳим иши деб алоҳида эътибор билан қараш керак. Пахтани машинада териш—пахтачиликда техника тараққиётининг асосий звеносидир. Пахта териш агрегатларидан кенг фойдаланиш йўлидан бораётган энг яхши хўжаликларнинг тажрибаси машиналардан моҳирлик билан фойдаланилса, техника катта ишлаб чиқариш ва иқтисодий самара беришини кўрсатмоқда. Самарқанд область, Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхозида бултур ҳосилнинг 93 процента машинада теріб олинди. «ХВС-1,2» машинасида бир сменада ўрта ҳисобда 6 тоннагача, айрим механик-ҳайдовчилар 8-10 тоннагача пахта териб олдилар. Пахта йиғим-теримида машинани қўлланиш меҳнат унумдорлигини икки-уч баравар оширади ва қилинадиган ишларнинг таннархини анча камайтиради.

Ёш механизаторларнинг яқинда Тошкентда ўз ишини тамомлаган Бутуниттифоқ кенгашида комплекс механизация бригадаларида хўжалик ҳисобини жорий қилишнинг аҳамияти алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ўтган йили биргина Ўзбекистонда комплекс механизация бригадалари саккиз мингга яқин эди. Моҳир бригада бошлиқларининг, илғор агротехникани, мураккаб техникани донолик билан қўллана ва ишлата биладиган кишиларнинг сафи анча кенгайди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Турсуной Охунова, Валентин Тюпко, Меликўзи Умрзоқовларнинг номларини эндиликда бутун мамлакат билади. Бошқа пахтакор республикалардаги юзлаб механизаторлар улардан намуна олмоқдалар, уларга эргашмоқдалар.

Ҳозир пахтани машинада йиғиб-териб олишга ҳамма жойда тайёргарлик кўрилиши муҳимдир. Шундай қилиш керакки, бу қимматли машиналардан йиғим-теримда тўла фойдаланилсин. Бу йил Ўзбекистон пахта далаларида ўн минг яқин терим машинаси ишлайди. Бу машиналарнинг кучи билан камида 600 минг тонна пахта териб олинади. Бу — фахрли ва ғоят даражада масъулиятли вазифадир. Республикада йиғим-терим ишларини механизациялашнинг бундай катта кўлами биринчи марта кўзда тутилмоқда. Мана шунинг учун ҳам пахта терадиган техникани ўз вақтида ва юқори сифатли тайёрлаб қўйиш масаласи ҳозирги вақтда биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Лекин республиканинг ҳамма областларида машина теримига яхши тайёргарлик кўриляпти, деб бўлмайди. Самарқанд области ва Қорақалпоғистон АССР бу муҳим ишда орқада қоляпти. Хоразм, Тошкент ва Андижон областларида кўсак ва кўрак узадиган машиналар яхши тайёрланмаяпти. Тожикистон, Туркманистон ва Озарбайжондаги кўпгина районлар машина теримига қониқарсиз тайёрланмоқда.

Пахта йиғим-терими — давлат аҳамиятига эга бўлган энг муҳим вазифа. Йиғим-терим ишларини намунали ташкил этиш, давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш — пахтакорларнинг ватанпарварлик бурчидир.

(«СЕЛЬСКАЯ ЖИЗНЬ» газетасининг 27 август бош мақоласи).



Н. С. ХРУШЧЕВ КВАМЕ НКРУМА билан учрашди

ЯЛТА, 27 август. (ТАСС). Бугун КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Қримда дам олаётган Гана Республикаси Президенти Кваме Нкрумани қабул қилди ва у билан дўстона, самимий суҳбатлашди.

Н. С. Хрушчев ва Кваме Нкрума «Ливадия» санаторийсида бўлдилар ва бу ердаги пляжда дам олувчилар билан — Совет Иттифоқининг турли районларидан бу ерга келган ишчилар, колхозчилар, хизматчилар билан учрашдилар. Н. С. Хрушчев Гана Республикаси Президенти Кваме Нкрумани ва унинг рафиқасини уларга таништирди. Дам олувчилар Н. С. Хрушчевни ва Кваме Нкрумани қизғин табрикладилар, уларга яхши дам олишларини ва сиҳат-саломат бўлишларини тиладилар. Улар Гана Республикаси халқига самимий салом топширишни сўрадилар, унга муваффақиятлар ва равнақ тиладилар.

КУБА РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СССРГА КЕЛАДИ

МОСКВА, 26 август. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев СССР билан Куба Республикаси ўртасида дўстона алоқаларнинг мустаҳкамланишига ва ривожланишига ёрдам беришни истаб, Президент Освальдо Дортикос Торрадони рафиқаси билан бирга ўзи учун қулай вақтда расмий визит билан Совет Иттифоқига келишга таклиф этди.

Президент О. Дортикос бу таклифни миннатдорчилик билан қабул қилди ва у расмий визит билан Совет Иттифоқига шу йил 11 сентябрда келади.

Ватанга қайтаётиб

Ўтган якшанба куни Венгрия Революцион ишчи-деҳқонлар ҳукуматининг раиси Ференц Мюнних Осиё мамлакатларига қилган сафаридан ватанига қайтаётиб, махсус самолётда Дехлидан Тошкентга келди.

Ференц Мюнних ва унинг рафиқаси билан биргаликда қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Иштван Тэмпэ, ташқи ишлар министрининг ўринбосари Карой Сарка ва Венгриянинг бошқа расмий кишилари ҳам келдилар.

Ференц Мюннихни ва унинг ҳамроҳларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари Г. А. Габриельянц, З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси Г. Ф. Наймушин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари Н. Г. Ляшченко, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. С. Саҳибоев, республика министрлари, жамоатчилик вакиллари кутиб олдилар.

Ференц Мюнних ва венгриялик бошқа меҳмонлар бир оз вақт дам олганларидан кейин Тошкентдан Москвага жўнаб кетдилар.

(ЎзТАГ).

МАШИНА ТЕРИМИГА ШАЙМИСИЗ?

БУГУН Тошкентда Ўзбекистон механизаторларининг III съезди очилади. Колхоз ва совхозлардаги энг яхши механик-ҳайдовчилар пойтахтга тўпланиб, етти йилликнинг учинчи йилида пахтадан мўл ҳосил етиштиришда қўлга киритган тажрибаларини ўртоқлашадилар, пахтани машинада териш, ҳосилни сира нобуд қилмай йиғиштириб олиш режаларини тузадилар.

Механизаторлар съезди энг яхши кунга, бутун совет халқи КПСС XXII съездини муносиб меҳнат совғаси билан қутиб олиш учун астойдил курашаётган бир пайтга тўғри келди. Съезднинг пахта ҳосилини машинада териш олдидан ўтказилиши теримни кенг кўламда механизациялашда муҳим омил бўлади.

Республика пахтакорлари мўл ҳосил етиштириш ва пахта таннархини камайтиришнинг асосий шарти — пахтачиликда техникани ҳар томонлама тараққий эттириш эканлигини ҳисобга олиб, бу йил ғўза парвариши билан боғлиқ бўлган асосий ишларни механизациялаштирдилар, **машиналар билан камида 600 минг тонна пахта териш, 1 миллион тонна пахтани қоп-қанорсиз ташиш мажбуриятини олдилар.**

Кўпгина хўжаликлар олинган мажбуриятларни бажариш учун курашиб, мўл ҳосилни йиғиб-териб олишга пухта тайёрланмоқдалар. фидокорона меҳнат билан етиштирилган ҳосилнинг сўнгги кўрагигача кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда териб олиш учун барча чораларни кўрмоқдалар.

Машина терими юзасидан олинган мажбуриятни сўзсиз бажариш учун пухта тайёргарлик кўриш талаб қилинади. Ўтган йилларнинг тажрибаси, шуни кўрсатадики, ҳосили машинада терилиадиган майдонлар ўз вақтида ажратилган, ғўза барги энг қулай муддатда тўқтирилган ва машиналар олдиндан шайлаб қўйилган хўжаликларда машина терими муваффақиятли ўтади, пахтани йиғиб-териб олишга кам маблағ сарфланади.

Республикамизда терим машиналарини унумли ишлатиш соҳасида бой тажриба тўпланди. 1960 йилда барча колхоз ва совхозларда терим машиналари ишлади. Йиғим-теримнинг долзарб кунларида машиналар билан бир кунда 12-13 минг тонна пахта терилди. Бу — 250 минг моҳир теримчи терадиган пахтага тенгдир. Ҳар бир машина билан мавсумда 50 тоннадан кўпроқ пахта терилди, юзлаб илғор механизаторлар эса 100-200 тоннадан ва ундан ҳам ошириб пахта тердилар.

Ўтган йили хотин-қиз механик-ҳайдовчилар ажойиб натижаларга эришдилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова сафига қўшилган кўпгина **хотин-қизлар мавсумда «ХВС-1,2» терим машиналарида 150-200 тоннадан пахта териб бердилар.**

Бу йил машиналар билан 600 минг тонна пахта териб олиш учун республика механизаторлари барча пахта териш машиналарнинг самарали ишлатилишини таъминлашлари лозим. Бунинг учун эса механизмларни ўз вақтида тахт қилиб қўйиш талаб қилинади.

Терим машиналарининг нормал ишлаши учун, машина шинделлари очилган чаноқлардаги пахтани мумкин қадар кўпроқ ва тўлароқ олиши учун барча шароитни яратиш керак.

Тажриба шуни кўрсатадики, терим машиналарининг унумли ишлаши, машина терининг сифатли ўтказилиши ғўзанинг аҳволига ва далаларни тўғри тайёрлашга боғлиқдир. Жуда яхшилаб ремонт қилинган «ХВС-1,2» машинаси ҳам агар дала яхши тайёрланмаган бўлса, унумли ишлай олмайди.

Ғўза нормал ўсган ва ётиб қолмаган, бегона ўтлар бўлмаган ҳамда ғўза барги яхши тўқтирилган участкаларда пахта етарли очилган бўлса, бундай майдонларда пахтанинг 90 процента машина бункерларига тушади. Дала яхши тайёрланмаган бўлса, машинанинг иш унуми 10-15 процент камаяди, бунинг устига пахта ерга кўп тўкилади, эфлосланади. Ғўза барги тўқтирилгандан сўнг кўсакларнинг 60 процента очилган майдонларда терим машинаси жуда яхши ишлайди.

Ғўза баргини тўқтириш машина теримига тайёргарликдаги асосий ишлардан биридир. Бироқ, айрим колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бу тадбирнинг аҳамиятига тўла тушуниб етмаётирлар. Улар ғўза баргини тўқтириш учун дори пуркашни кечиктириб юборадилар. Бу эса ишга мутлақо фойда бермайди. Ғўза баргини тўкдириш ҳосилни камайтиради, деган гаплар асоссиздир. Колхоз ва совхозларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, машина терими олдидан ғўза баргини тўқтириш ҳосилдорликни камайтирмайди, балки кўсакларнинг тез очилиши натижасида ҳосилни совуқ тушгунча териб олиш имконини беради. Демак, давлатга сифатли пахта кўп топширилади.

Ғўза баргини тўқтириш учун дори сепишни ҳар туп ғўзада 2-3 кўсак очилгандан сўнг бошлаш керак. Бу йилги шароитда ғўза баргини тўқтириш сентябрнинг дастлабки кунлариданоқ бошланиши лозим. Чунки, республиканинг ҳамма областларида ҳосил бултургига нисбатан тез етилмоқда.

Машина терининг кўнгилдагидек ўтишида агрегатларни сифатли ремонт қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. Барча терим машиналари мавсумга шайлаб қўйилиши лозим. Илғор хўжаликлар, комплекс механизациялашган бригадалар далаларни ва техникани вақтида тайёрлаш катта аҳамиятга эга эканлигини ўз тажрибаларида кўриб, бу ишларга доимий эътибор бердилар. Бироқ, шундай хўжаликлар ҳам борки, уларда ерлар машина терими учун номигагина ажратиб қўйилган, бу майдонларда бегона ўтлар йўқотилмаган, терим машиналарининг унумли ишлаши учун зарур бўлган бошқа тадбирлар амалга оширилмаётир.

Терим машиналари, кўрак терадиган, кўсак чувийдиган ва ғўза поя юладиган агрегатларни ремонт қилиш қониқарсиз бормоқда.

Терим агрегатларида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар бор. Кўпгина хўжаликларда агрегатларни группаларда ишлатиш, уларга далаларни биркитиб қўйиш, терим машиналарининг ҳар группасига пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган транспорт воситаларини, машиналарга хизмат қиладиган кишиларни биркитиб қўйиш плани тузилмаган. Пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун автомашиналарни қайта мослаштириш қониқарсиз бормоқда.

Пахтани механизмлар ёрдамида териб олишга тайёргарлик кўришдаги бундай камчиликларнинг юз бераётганига сабаб шуки, кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари бу муҳим ишга ҳали ҳам етарли эътибор бермаётирлар. Улар терим машиналарини мавсумга тайёрлашни қисқа вақт ичида тугаллаш учун барча куч ва воситаларни сафарбар этиш, машина терими билан боғлиқ бўлган ташкилий тадбирларни ҳал қилиш ўрнига, қолоқлик ва консерватизм фактларига нисбатан муросасозлик қилмоқдалар, машина теримига тайёргарликдаги камчиликларни тугатиш учун кескин чора кўрмаётирлар.

(Охири учинчи бетда).

СУРХОНДАРЁ области. СУРАТДА (чапда): Косон районидаги Хрушчев номли совхозда машина терими пайти.
Ўнгда: Бешкент тайёрлов пунктининг лаборантканси Нина Мельникова янги ҳосилнинг биринчи ғарамидан пахтани лабораторияда аниқлаб кўриш учун намуна олмоқда.

А. Ким фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

XXII СЪЕЗДОЛИ шарафига

КПСС ПРОГРАММАСИ ВА УСТАВИ ПРОЕКТЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

Коммунизм қуриш процессида хўжаликка раҳбарлик қилиш ишлаб чиқаришнинг юқори кўрсаткичларини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга таянади. Меҳнатнинг моддий стимули билан маънавий стимулини тўғри қўшиб олиб бориш иши—коммунизм учун курашда буюк ижодий кучдир.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ПРОГРАММАСИ ПРОЕКТИДАН

ТАШКИЛОТЧИЛИК ИШИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛСИН

(ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

□ □ □

«Партия тантанали суратда эълон қиладики, совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизм даврида яшайди!».

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программа проектида олтин ҳарфлар билан ифода этилган бу илҳомбахш сўзлар : ки кун давом қилган пойтахт шаҳар партия конференцияси минбаридан баралла янграб эшитилди. Конференцияда замонамиз қомуси, мамлакатимизда коммунистик жамият қурилиши Программаси — КПСС Программаси проектини ва партия ҳаётининг қонуни — КПСС Устави проекти кенг муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программа проекти ҳақида доклад қилди. Шунингдек шаҳар партия комитетининг секретари П. В. Каймаковнинг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Устави проекти ҳақидаги доклади тингланди.

Делегатлар бирин-кетин минбарга чиқадилар. Уларнинг ёрқин нутқи Коммунистик партия, унинг бутун дунёда барқарор тинчлик ўрнатиш учун ҳормас-толмас курашчи ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ ленинчи Марказий Комитетита, Ватан, халққа бўлган чексиз садоқат, совет кишилари эришаётган оламшумул тарихий ғалабалар билан ғурурланиш, коммунистик қурилиш соҳасидаги улкан сиёсий ва хўжалик вазифаларни шараф билан бажариш ҳис-туйғулари билан тўлиб тошди.

— Янги Программанинг проекти, — деди биринчи бўлиб сўзга чиққан Ленин район партия комитетининг секретари ўртоқ Окунский, — барча меҳнаткашларни ғоят қувонтирди. Чунки унда инсоният асрлар давомида орзу қилиб келган жамият — коммунистик жамият қурилиши тўла акс эттирилган.

Нотиқ партиямизнинг бу тарихий ҳужжати жойларда зўр қониқиш билан муҳокама қилинаётганини айтди. Ҳозиргацоқ партиялилар ва партиясизлар оммасининг 98 очиқ мажлисида бу ҳужжат мукаммал ўрганиб чиқилгани, 3500 дан ортиқ лектор, сиёсий докладчи ва агитаторлар шу соҳада кенг омма орасида қизғин иш олиб бораётганини мисоллар билан кўрсатиб ўтади. Саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг коллективлари КПССнинг XXII съездига муносиб меҳнат совғалари тайёрлаш учун курашиб, йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш планини 22 декабргача бажаришга қарор қилганликларини делегатларга маълум қилади.

1919 йилдан КПСС аъзоси пенсионер ўртоқ Игольниковнинг нутқини делегатлар қониқиш билан эшитдилар.

— Коммунистик партиянинг халқ манфаатидан бошқа манфаати йўқ, — деди у, — партия халққа чинакам ғамхўр ва йўлбошчидир. Партиямиз марксизм-ленинизм таълимоти, бой тажрибаларга амал қилиб, ер юзида биринчи бўлиб мамлакатимизда коммунизм қуриш масаласини қўйяпти. Ҳеч шубҳа йўқки, партиямизнинг бу Программаси муддатидан илгари шараф билан бажарилади.

Минбарга Ўзбекистон трактор йиғув заводи коммунистик меҳнат сменасининг бошлиғи ўртоқ Антонов чиқади. У завод ишчилари, инженер-техник ходимлари, жумладан ўз ҳамкасабалари КПСС Устави проектини мамнуният билан ўқиб чиққанликлари, бу тарихий ҳужжат уларда катта таассурот қолдиргани ҳақида сўзлайди.

Программа ва Устав проектлари муҳокамасида Куйбишев, Октябрь, Фрунзе район партия комитетларининг секретарлари Бродова, Нишонов, Осипова, Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Раҳматхўжаева, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг директори Қаюмов, ҳарбий хизматчи Федоров ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

Конференция Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программа проекти ва Устави проектини якдиллик билан маъқуллаб қарор қабул қилди.

Конференция делегатлари — шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. М. Муртазоевнинг шаҳарком фаолияти ҳақидаги ҳисобот докладини тингладилар ва таниқид, ўз-ўзини таниқид шиори остида активлик билан муҳокама қилдилар. Докладчи Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг жанговар отрядларидан бири бўлган шаҳар партия ташкилотининг жанговарлик қобилияти ва таъсир доираси ҳар қачонгидан ошганлиги ҳақида, шаҳар меҳнаткашларининг моддий ва маданий фаровонлиги беқиёс юксалганлиги ҳақида батафсил гапирди.

Докладчи ва музокарада сўзлаган нотиқлар ҳисобот даврида шаҳар партия ташкилоти сон жиҳатдан ўсганлиги, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланганлиги, ғоявий жиҳатдан чиниққанлигини қониқиш билан таъкидлаб ўтдилар.

1960 йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш муддатидан илгари—15 декабрда, 1961 йилнинг биринчи ярим йиллик плани эса 25 июнда бажарилди. Саноат корхоналари ўтган бир ярим йил мобайнида пландан ташқари 52 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрладилар. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми деярли 20 процент ошди, меҳнат унумдорлиги 12 процент кўпайди, маҳсулот таннархини камайтириш топшириғи ошириб адо этилди.

Докладчи шаҳар партия ташкилотлари ҳисобот даврида социалистик мусобақани кучайтиришга жиддий эътибор берганини таъкидлайди, халқ хўжалигининг барча соҳаларида меҳнат қилаётган меҳнаткашлар КПСС XXII съезди шарафига қизғин давом этаётган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, меҳнатда ажойиб муваффақиятларга эришаётганликларини мисоллар билан кўрсатиб ўтади.

— Коммунизмнинг куртаги — коммунистик меҳнат ҳаракати авж олиб кетди, — дейди нотиқ, — ҳозир бу ҳаракатга 70 минг киши қўшилган.

Меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда рационализаторлар ва ихтирочилар катта ҳисса қўшяптилар. Кейинги бир ярим йилда 10 мингга яқин таклиф амалга оширилди, бунинг натижасида ҳар йили давлатнинг 8 миллион сўмдан кўпроқ маблағи тежаб қолянпти.

Докладчи капитал қурилиш масаласига тўхталади. Шаҳарда капитал қурилиш ҳажми анча кенгайди. Шу йилнинг ўтган олти ойидагина капитал маблағ сарфлаш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 38,2 процент кўпайди.

Докладда аҳолига маданий-маиший хизматни яхшилаш масалаларига кўп ўрин берилди. Докладчи аҳолини яхши жиҳозланган квартиралар билан таъминлаш, водопровод ва газ хизматини яхшилаш, транспортнинг барча турларининг мунтазам қатновини таъминлаш, савдо-сотиқ ишларини яхши йўлга қўйиш соҳасида амалга оширилган тадбирларни ва бунинг натижасида эришилган муваффақиятларни кўрсатиб ўтди.

Докладчи ва сўзга чиққан делегатлар шаҳар партия ташкилотлари КПСС XXI съезди, партия Марказий Комитети Пленумлари қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарорини амалга ошира бориб, партия пропагандасини кучайтириш, меҳнаткашларни коммунизм руҳда тарбиялаш соҳасида анча ишлар қилганини, партиявий - ташкилий ишлар бирмунча яхшиланганини таъкидладилар.

Бироқ, эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилдики, бу камчиликлар докладда ва музокарада қатнашган делегатларнинг нутқларида тўла баён қилинди.

Ўтган йили шаҳардаги 6 саноат корхонаси, шу йилнинг ўтган 7 ойида эса 34 корхона ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажармади. Булар орасида Тошкент экскаватор заводи, «Ташсельмаш», «Узбексельмаш», «Подшипник», инструменталь, «Подъёмник», трактор йиғув заводлари, биринчи ва иккинчи авторемонт заводлари бор. 60 корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш плани, 40 корхонада эса маҳсулот таннархини арзонлаштириш плани бажарилмади. Айрим корхоналарда маҳсулотнинг сифатини яхшилашга эътибор берилмади, давлатни алдаш, кўзбўямачилик, меҳнат интизомининг бузилиши каби ҳолларга йўл қўйилди.

Капитал қурилиш соҳасидаги камчиликлар тугатилган эмас. Шу йилнинг ўтган етти ойида капитал қурилиш плани 88,2 процент бажарилди, холос. Шаҳар ва район партия комитетлари, шаҳар ва район ижроия комитетлари, бошлангич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Тошкент шаҳрида капитал қурилишни яхшилаш тадбирлари ҳақида»ги қарорининг тўла бажарилишини таъминламаётирлар. Кўпчилик қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари қурилиш соҳасидаги ишларни механизациялашга, ишнинг сифатини яхшилашга панжа орасидан қарамоқдалар. Тез, арзон ва сифатли қуриш юзасидан олинган мажбуриятлар бажарилмай қолянпти. Бу соҳада Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги (министр ўртоқ Иброҳимов), «Главсельстрой» (бошлиғи ўртоқ Ржевский) ташаббус кўрсатмаяптилар. Қурилиш ташкилотларида кадрларнинг қўпмсизлигига барҳам берилган эмас.

«Ташкенткабель» заводи ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Уланов планлаштиришда чалкашликларга йўл қўяётганлиги учун республика Давлат план комиссияси ва Халқ хўжалиги кенгаши раҳбарларини танқид қилди.

— Бу ташкилотларнинг раҳбарлари, — деди нотиқ, маҳсулот ишлаб чиқаришни планлаштиришда бизнинг таклиф ва мулоҳазаларимиз, ички имкониятларимизни тўла ҳисобга олмаяптилар. Биз йиллик планни жуда кеч оламиз, унинг устига план кетма-кет ўзгартирилаверади. Натижада ишлаб чиқаришни якка бир планга мослаштиришда катта қийинчиликларга дуч келиняпти, йилнинг охирги кварталида эса штурмчиликка йўл қўйилади. Бу маҳсулотнинг сифатига ёмон таъсир қиляпти. Биз бу ҳақда шаҳар партия ва совет ташкилотларига бир неча бор мурожаат қилдик. Лекин ҳозирча амалий ёрдам ололганимиз йўқ.

«Ташсельмаш» заводи партия комитетининг секретари ўртоқ Иванова ишчилар орасида пропаганда ва агитация ишларини йўлга қўйишда яхши ёрдам бермаётганлиги учун шаҳар партия комитети ва район партия комитети раҳбарлари адресига таниқидий мулоҳазалар айтди.

— Бизнингча, — деди у, — шаҳар ва район партия ташкилотларининг раҳбарлари жойларга борганларида фақат планларнинг бажарилишини кўздан кечириш билан чегараланиб қолмасдан, идеология ишларининг аҳволига ҳам назар ташласалар ва бу соҳадаги нуқсонларни тугатишда амалий ёрдам берсалар фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишда катта камчиликлар бор. Шаҳар ижроия комитетига қарашли маиший комбинат бошқармаси ўз фаолиятини қайта қуриб олган эмас. Умумий овқатланиш ва савдо-сотиқни намунали ташкил қилишга етарли эътибор берилмаяпти. Шаҳар, район партия ва совет ташкилотлари савдо ташкилотларининг фаолияти билан мунтазам шуғулланмайди. Натижада шу йилнинг ўтган олти ойида товар обороти плани 97,6 процент бажарилди, холос. Халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ва бошқа ташкилотлар фаолиятларида ҳам жиддий нуқсонлар бор.

Суд, прокуратура ва милиция органлари ҳар хил жиноятларга карши курашни кескин кучайтирмаётирлар. Натижада текинхўр, чайқовчи, ишёқмас, безори, жамоат тартибини бузувчи айрим кишилар уларнинг эътиборидан четда қоляпти. Партия ташкилотлари эса суд, прокуратура ва милиция органларига талабчанликни кучайтирмаётирлар.

Шаҳар партия ташкилотлари меҳнаткашлар орасида идеология ишларини шу кунинг талаблари даражасида ташкил қилган эмас.

Совет кишисини коммунистик руҳда тарбиялашдек мураккаб, лекин олижаноб ишда адабиёт ва санъат муҳим роль ўйнайди. Делегатлар замонавий темада кишини қаяжонлантирадиган яхши асарларни кам яратаётган, ишлаб чиқариш коллективлари, замондошларимиз билан яқиндан алоқада бўлмаётган бастакорлар ва драматурглар, кино санъати ходимлари ва рассомлар олдига жиддий талаблар қўйишди.

— Таассуфки, киши руҳининг инженерлари — ёзувчиларимиз ўртасида совет воқелигини бузиб кўрсатадиган кишилар ҳам бор,— деди иккинчи авторемонт заводи партия бюросининг секретари Петрилин. — Масалан, ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг «Хуснбузар» деган мақоласи яқинда «Литературная газета» саҳифасида босилиб чиқди. Ёзувчи бу мақолада турмушимизни нотўғри тасвирлайди. пахтакорларнинг олижаноб меҳнатини ерга уради. Бу, ёзувчи турмушдан ажралиб қолганлигининг натижасидир. Абдулла Қаҳхор ўзини юқори олади, таниқидий мулоҳазаларга яхши қулоқ солмайди. Корхонамиз коллективи бундан бир неча ой муқаддам Абдулла Қаҳҳорни унинг «Синчалак» китоби юзасидан утказиладиган китобхонлар конференциясига қатнашишга таклиф этган эди. У ваъда берди-ю лекин конференцияга келмади. Абдулла Қаҳҳорнинг бундай хатти-ҳаракати ишчиларни ранжитди.

— «Хуснбузар» мақоласини ўқиб, унинг мағзини чаққанингда, — дейди Киров район партия комитетининг секретари Акрамов,— совет ёзувчиси шундай хато, зарарли фикрларни айтганига таажжубланасан, киши. У кўзбўямачилик ва оз нарсани кўп қилиб кўрсатиш, партияни, давлатни, халқни алдаш йўлига ўтиб олган дўсти — колхоз раисини муҳофаза қилади. Ана шу колхоз раисининг фикри билан Абдулла Қаҳҳор номи кўрсатилмаган бошқа ёзувчиларни совет воқелигини бўяшда ҳеч қандай асоссиз айблайди. Бу, ёзувчиларимизга туҳматдир. Абдулла Қаҳҳор республикада пахтачиликни комплекс механизациялаш соҳасида қилинган жуда катта ишларни кўрмайди. Абдулла Каҳҳорнинг принципсиз гаплари шуни кўрсатадики, шаҳар партия комитети ижодий ташкилотларнинг ишига тегишли эътибор бермаётир. «Ўзбекистон маданияти» газетаси бу саёз мақолани кўчириб босиб чиқарганлиги бизни ажаблантирди.

Шаҳар партия ташкилотлари кадрлар танлаш, уларни тарбиялаш ва жой-жойига қўйишда партиявий принципнинг бузилишига йўл қўйяптилар. Баъзи ҳолларда лаёқатсиз, партия ишончини оқлай олмайдиган кишилар раҳбарлик лавозимларига кириб қоляпти. Бу партиявий-сиёсий, ташкилий ва идеологик ишлар савиясининг ҳали анча пастлигидан далолат беради.

Музокараларда «Ташсельмаш» заводи коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Худойқулов, 153-қурилиш трестининг бошқарувчиси Репин, Тошкент давлат университетининг ректори Содиқов, Ленин район ижроия комитетининг раиси Пискорская, ёзувчи Асқад Мухтор, республика Халқ хўжалиги кенгаши раисининг ўринбосари Мирқосимов, ҳарбий хизматчи Ляшченко, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Расулев, 5-туғруқхона бош врачи Колесникова ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари М. А. Абдураззоқов, Г. А. Габриельянц, М. М. Мусахонов, Г. Ф. Наймушин, З. Р. Раҳимбобоева, А. Н. Рудин, бюро аъзолигига кандидат И. П. Бурмистров ва КПСС Марказий Комитетининг Иттифоқчи республикалар бўйича партия органлари бўлимининг инструктори В. Е. Герашченко ўртоқлар иштирок этдилар.

* * *

Шаҳар партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленум Қ. М. Муртазоевни шаҳар партия комитетининг биринчи секретари қилиб, П. В. Каймаков ва И. Р. Арнаутов ўртоқларни шаҳарком секретарлари қилиб сайлади.

М. НАЗАРОВ.

МЕНИНГ ТАКЛИФИМ

Маълумки, хотин-қизларда эркаклларга нисбатан юмуш кўп бўлади. Ишдан кейин уй-рўзғорга қараш керак. Шу сабаблн, хотин-қизлар учун тунги сменаларда ишлаш айниқса оғир. Чунки эркаклар ишдан келса солиб, бемалол ухлашлари мумкин. Аммо хотин-қизлар эса ишдан қайтиб, яна уй юмушлари ҳақида бош қотиришлари керак.

Тўғри, ҳозирги вақтда эркаклар оила ишига ёрдамлашадилар. Лекин, барибир, уй-рўзғор ишидаги асосий оғирлик хотин-кизлар зиммасида қолаверади. Шу сабабли Программа проектига **«Хотин-қизларни тунги сменаларда ишлашдан озод қилишни кўзда тутиш лозим»** деган жумла қўшилишини истардим.

Р. НАБИХЎЖАЕВА,
Тошкентдаги Сталин номли тикувчилик фабрикасининг ишчиси, ВЛКСМ аъзоси.

Туябўғиз сув омбори қурилиши жадал бормоқда. Қурилишнинг ўзига хос хусусияти-механизмлардан кенг фойдаланилаётганлигидир. Тракторопогрузчик машинисти Тоҳир Моҳиров ана шу қурилишда беш йилдан буён баракали меҳнат қилиб, смена давомида нормадаги 220 кубометр ўрнига 550 кубометр шағални машиналарга ортиб бераётир. СУРАТДА: Т. МОҲИРОВ.

И. Глауберзон фотоси.

ҲАЁТИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ, ФАРОВОН БЎЛАДИ

Марксизм-ленинизм моддий бойликлар ишлаб чиқариш кишилик жамияти ҳаётининг асоси, деб таълим беради. Ишлаб чиқариш истеъмол заруриятн туфайли вужудга келади. Кишилар ўз маданий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида моддий бойликлар ишлаб чиқаришни ташкил этадилар. Бироқ ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик ҳукмронлик қилган ва кишини киши томонидан эксплуатация қилишга асосланган ижтимоий-иқтисодий формацияларда ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади эксплуататорларнинг бойишига бўйсундирилади. Капитализм шароитида ишлаб чиқаришнинг мақсади бир ҳовуч кишилар учун бойлик орттириш, фойда олишдан иборат.

Карл Маркс «Капиталистик ишлаб чиқаришнинг мақсади доимо қўшимча қиммат олишдан иборат» эканлигини илмий асослаб берган эди. Марксизм-ленинизм классиклари социалистик жамият барпо этилмасдан анча олдин бу жамиятнинг мақсади фақат социалистик жамиятдагина ишлаб чиқариш бутунлай ва тўла-тўкис инсоннинг моддий-маънавий эҳтиёжларини қондириш вазифасига бўйсундирилади, деган эдилар.

В. И. Ленин 1902 йилда РСДРП Программасининг проектида социалистик жамиятда ишлаб чиқариш «барча жамият аъзоларининг тўла фаровонлиги ва ҳар томонлама эркин ривожланишини таъмин этиш мақсадида» олиб борилади деб ёзган эди. Социализм шароитида ишлаб чиқаришнинг мақсади масаласи В. И. Ленининг жуда кўп асарларида, партия ва ҳукуматимиз қарорларида ўз ифодасини топди ҳамда ривожлантирилди. Халқ фаровонлиги ҳақида ғамхўрдик қилиш Коммунистик партия фаолиятининг асосий қонунидир.

Социалистик революция ғалаба қилган дастлабки кунларданоқ Коммунистик партиянинг иқтисодий сиёсати, халқ хўжалигини ривожлантириш планлари бош вазифага — меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш учун шарт-шароит яратишга қаратилган эди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программаси проекти халқ фаровонлиги ҳақидаги ғамхўрлиқнинг яна бир ёрқин ифодасидир. **«Социализмнинг мақсади, —** дейилади Программа проектида, — **ижтимоий ишлаб чиқаришни узлуксиз ривожлантириб ва такомиллаштириб бориш йўли билан халқнинг ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондиришдир».**

Совет халқининг қаҳрамонона меҳнати қудратли ва ҳар томонлама ривожланган экономикани вужудга келтирди. Эндиликда бутун аҳолининг фаровонлигини тез юксалтириб бориш учун ҳамма имкониятларга эгамиз.

Программа проектида совет кишиларининг моддий фаровонлигини юксалтиришнинг бош йўли белгилаб берилган ва бу улуғвор вазифани ҳал қилишнинг конкрет йўл-йўриқлари кўрсатилган:

а) чакана нархларни камайтириш ва аҳолидан олинадиган солиқларни бекор қилиш билан бир қаторда, меҳнаткашлар меҳнатининг миқдор ва сифатига қараб тўланадиган индивидуал иш ҳақини ошириш;

б) жамият аъзолари ўртасида улар қилган меҳнатнинг миқдори ва сифатига қарамасдан, яъни бепул тақсимланадиган ижтимоий фондларни (билим бериш, даволаш, пенсия таъминоти, болалар муассасаларида болаларни боқиб тарбиялаш, коммунал хизматлардан бепул фойдаланишга ўтиш ва ҳоказоларни) **кенгайтириш йўли билан амалга оширилади.**

Социализмда ишлаб чиқаришнинг юксалиши ва меҳнаткашлар фаровонлигининг муттасил ўсиши истеъмол буюмларини меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб тақсимлаш билан узвий боғлиқдир. Тақсимотнинг бундай принципи ишлаб чиқаришнинг юксалишига олиб келади ва бу ўсиб бораётган эҳтиёжни тўла қондириш имконини беради.

Меҳнатга қараб тақсимлаш меҳнат ўлчови ва истеъмол қуроли бўлиб, социалистик ишлаб чиқаришнинг ҳаракатлантирувчи улуғ кучи сифатида ижтимоий меҳнатни ташкил қилишни яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг муттасил ўсишини таъминлаш ва уни илғор техника базасида такомиллаштиришга олиб келади. Ана шуни назарда тутганда меҳнатга ҳақ тўлаш якин йигирма йил мобайнида совет халқининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришнинг асосий манбаи бўлиб қолади.

Меҳнатга қараб тақсимот принципини эҳтиёжга қараб коммунистик тақсимот принципи билан моддий ва маънавий бойликлар мўлкўлчилиги таъминланган ҳамда меҳнат жамият барча аъзоларининг онгли равишда илҳом билан меҳнат қилиб, ўзининг бутун кучқувватини жамият манфаатларига тўла бағишлаган даврда алмашинади.

Яқин 20 йил мобайнида ишчи ва хизматчиларнинг реал даромади аҳоли жон бошига уч ярим мартадан кўпроқ ошади. Шу билан бирга юқори даромадлар билан нисбатан пастроқ даромадлар ўртасидаги тафовут тобора қисқариб боради. Минимал иш ҳақи оладиган ишчи ва хизматчиларнинг реал даромадлари яқин ўн йил ичида, ижтимоий фондларни ҳам ҳисобга олганда, тахминан уч марта ошади.

Ишлаб чиқаришга янги техника воситаларини қўллаш асосида меҳнат унумдорлигининг ошиши, ишчиларнинг тобора малакали бўлиб бориши натижасида меҳнатга ҳақ тўлаш даражасидаги тафовутлар изчил қисқара боради. Колхозчиларнинг меҳнат унумдорлигининг янада юқори суръатлар билан ўсиши натижасида уларнинг реал даромадлари ўрта ҳисобда ишчилар даромадидан тезроқ ўсади ва ҳар бир ишловчига ҳисоблганда яқин ўн йил ичида икки мартадан зиёдроқ, йигирма йил мобайнида эса тўрт мартадан зиёдроқ ўсади. Шунингдек, инженер, техник, агроном, зоотехник, ўқитувчиларнинг, медицина ва маданият ходимларининг ҳам иш ҳақи анча ошади.

Аҳоли даромадларининг ўсишига мувофиқ равишда халқ истеъмолининг умумий юксалиши тез ўсади. Халқ фаровонлигини оширишнинг энг кескин проблемаси бўлган уй-жой масаласи ҳал этилади. 1980 йилга келиб, ҳар бир оила, барча қулайликлари бўлган квартирага эга бўлади. 1970-1980 йиллар давомида уй-жойдан фойдаланиш барча гражданлар учун бепул бўлади. Шунингдек, трамвай, автобус, троллейбус, метро бепул бўлади. 1980 йилга келиб, газ ва ёқилғидан фойдаланиш ҳам текин бўлади.

Янги Программа проектида совет халқи фаровонлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири — иш соатини қисқартиш кўзда тутилган. **«Яқин ўн йил мобайнида,** — дейилади Программа проектида, — **олти соатли иш кунига — ҳафтада бир кун дам олинганда — ёки 34-36 соатли иш ҳафтасига — ҳафтада икки кун дам олинганда — ўтиш, ер ости ишларида ва соғлиққа зарарли корхоналарда эса беш соатли иш кунига ёки 30 соатли — беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш амалга оширилади».**

Иш кунининг қисқариши билан бир қаторда ишчи ва хизматчиларнинг отпускалари ҳам анча узайтирилади. Ҳақ тўланадиган отпускалар аста-секин колхозчиларга ҳам жорий қилина бошланади.

Ижтимоий истеъмол фондларининг муттасил ошиши ҳам совет халқи фаровонлигини оширишнинг муҳим омилидир. Ижтимоий истеъмол фондлари 1940 йилда 4,2 миллиард сўмни, 1960 йилда 24,5 миллиард сўмни ташкил этди. Ижтимоий истеъмол фондларининг узлуксиз ўсиши натижасида биринчи галда меҳнаткашларнинг реал даромадлари ортиб боради. Ҳозирда СССРдаги ишчи ва хизматчилар ижтимоий фондлар ҳисобидан оладиган қўшимча даромади иш ҳақи суммасининг учдан бир қисмини ташкил қилади. Ижтимоий истеъмол фондларининг кенгайиши билан ҳаётда, меҳнатда, кишиларнинг ўзаро муносабатларида коллективизм туйғулари янада кучлироқ қарор топади ва ривожланади.

Социалистик жамиятнинг асосий вазифаларидан бири умумий таълимни амалга ошириш ва халқнинг маданий савиясини юксалтиришдан иборат. Совет ҳокимияти йилларида революциядан олдинги даврдагига нисбатан мактаб ўқувчиларининг сони 3,4 марта, олий ўқув юртлари студентларининг сони 17 марта, техникум ва бошқа махсус ўрта ўқув муассасаларидаги ўқувчилар сони 35 марта ошди.

Партиямиз ёш авлоднинг тарбиясига алоҳида эътибор бермоқда. Ҳозир СССРдаги болалар боғчалари ва яслиларида 3 миллиондан ортиқ ўғил ва қиз тарбияланмоқда.

Аҳолига медицина ёрдами кўрсатишда ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. 1913 йилда Россиядаги касалхоналарда 207 минг койка бор эди ва ҳаммаси бўлиб 28 минг врач ишларди. 1959 йилга келиб СССРдаги касалхоналарда койкалар сони 1.600 мингга, врачлар сони эса 380 мингга етди. Врачларнинг кўплиги жиҳатидан СССР дунёда биринчи ўринни эгаллайди.

Меҳнаткашларнинг дам олиши ва шифоланиши учун мамлакатда жуда кўп санаторий ва дам олиш уйлари қурилди. Буларда ҳар йили 6 миллиондан ортиқ ишчи, хизматчи, колхозчи ва зиёли дам олмоқда.

Ижтимоий фондларнинг ўсиши пенсия таъминотини янада яхшилаш имконини беради. Ҳозир СССРда 18 миллион киши давлатдан пенсия олади, 1955 йилда пенсия учун 29,7 миллиард сўм ажратилган бўлса, 1960 йилда 70 миллиард сўмга етди.

Мамлакатимизда уй-жой қурилиши соҳасида жуда катта ҳажмдаги иш бажарилди. 1957-1960 йиллар мобайнида шаҳар ва ишчи посёлкаларида умумий майдони 300 миллион квадрат метрни ташкил этувчи уй-жой қурилди. Ва ҳоланки, революциядан олдин Россиянинг барча шаҳар, ишчи посёлкаларининг уй-жой фонди 180 миллион квадратметрни ташкил этарди, холос.

КПСС Программаси проектида 20 йил мобайнида аҳоли жон бошига ҳисоблганда ижтимоий истеъмол фондлари 1960 йилдагига нисбатан 8 марта ошиши кўзда тутилган 1980 йилга келиб, ижтимоий истеъмол фондлари ўз миқдори бўйича мамлакатимиз меҳнаткашлари жами реал даромадининг тахминан 50 процентини ташкил этади. Бу эса жамият ҳисобидан болаларни болалар муассасаларида бепул боқиб тарбиялаш, барча ўқув муассасаларида бепул билим олиш; барча гражданларга бепул медицина хизмати кўрсатиш, (шу жумладан касалларни бепул дори-дармон билан таъминлаш ва санаторийларда бепул даволаш), квартиралардан коммунал хизматлардан бепул фойдаланиш, меҳнатга лаёқатсиз кишиларни моддий жиҳатдан таъминлаш, бепул умумий овқатланишга аста-секин ўтиш имконини беради.

Мамлакатнинг ишлаб чиқариш кучлари қанча тез ривожланса, меҳнат унумдорлиги қанча тез ўсса, халқнинг ижодий куч-ғайрати қанча кўп ошса совет кишиларининг турмуш даражаси шунча тез юксалади. Партия совет халқини астойдил, илҳом билан меҳнат қилишга чақирмоқда: **«Экономика ва маданиятни янада юксалтириш учун, одамлар ҳаётини янада яхшироқ ва гўзалроқ қилиш учун,** — дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев, — **ҳар бир кишининг меҳнати, кучқуввати, истеъдоди умумий оқимга қўшилмоғи керак».**

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проекти партиямиз ва халқимиз учун янги жамият — коммунизм тантанасини таъминлаш истиқболларини кўрсатиб берган улуғ программадир. Меҳнат шижоати жўш ураётган совет халқи коммунизм қурилишини тезлаштириш учун бутун куч-қувватини сафарбар этиб, Коммунистик партия раҳбарлигида янги Программада белгиланган улуғвор тадбирларни муваффақият билан амалга оширади ва мамлакатимизда дунёда энг фаровон ҳаёт ғалабасини таъминлайди.

А. МАМЕДОВ,
иқтисод фанлари кандидати, доцент, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг редакцион кенгаш аъзоси.

ИҚТИСОДИЙ ТЕЖАШ— КОММУНИЗМНИНГ АСОСИДИР

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси проектида коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Проектда «..маблағлардан энг оқилона ва тежаб-тергаб, ғоят самарали суръатда ва вақтдан ютган ҳолда фойдаланиш» кераклиги таъкидланган. Партия хўжаликнинг иқтисодий асосини тобора мустаҳкамлаб боришни системали равишда уқтириб келди ва янада уқтирмоқда. Афсуски, баъзи колхозларда маблағларни тежаб-тергашга жиддий эътибор берилмаётир.

Масалан, Сурхондарё область, Денов районидаги Жданов номли колхоз правлениеси Денов шаҳрининг колхоз территорияси билан туташган ерига ҳаммом бяноси қурди. Бу ҳаммом учун 300 минг сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Шуниси ачинарлики, ҳаммомдан на колхозчилар, ва на шаҳар меҳнаткашлари дуруст фойдаланади. Чунки ҳаммом шаҳардан чеккада — колхоз қишлоғидан 5-10 километр нарида.

Колхоз қишлоғида тузуккина кутубхона, болалар боғчаси биноси, қишки клуб ва бошқа жамоат бинолари йўқ.

Мен бу масалани кўтариш билан шуни таъкидламоқчиманки, **Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программасида умумхалқ мулкини масъулиятсизларча, ўзбошимчалик билан ҳаражат қилувчи шахсларни қоралайдиган жумла киритилса яхши бўларди.** Чунки иқтисодий тежаш — коммунизмнинг асосидир.

Иброҳим ЭРДОНАЕВ,
КПСС Марказий Комитети қошидаги сиртқи олий партия мактабининг тингловчиси, **«Қизил Денов»** газетасининг масъул секретари.

ПАХТАЧИЛИКНИ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ САРИ!

Қишлоқ хўжалигини янада механизациялаш, КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯНИ қўлланиш ва автоматика воситаларидан фойдаланиш, техника иқтисодий кўрсаткичлари юқори бўлган ва ҳар бир зона шароитига мос келадиган машиналар системасини жорий қилиш қишлоқ хўжалик меҳнати унумдорлигини ошириш учун асос бўлади.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ПРОГРАММАСИ ПРОЕКТИДАН

* * *

МАШИНА ТЕРИМИГА ШАЙМИСИЗ?

(Боши биринчи бетда).

Пахтачиликда техника тараққиёти учун ва айниқса пахтани териб олишни механизациялаш учун кураш — давлат аҳамиятига эга бўлган ишдир. Терими механизациялаш меҳнат сарфини кескин камайтиради, колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг меҳнатини енгиллаштиради, пахта таннархини арзонлатиш имконини беради. Ҳар бир колхоз, совхоз, бўлим ва бригадада машина терими юзасидан олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш — республика партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Машина теримига ажратилган ҳар бир участкани ҳозир яна бир карра кўздан кечириб чиқиш, талабга жавоб бермайдиган участкаларни алмаштириш лозим. Ҳар бир машинани икки сменада ишлаш учун механик-ҳайдовчиларни биркитиб қўйиш, шунингдек терим машиналари, пахтани қоп-қанорсиз ташиш воситалари, кўрак терадиган ва бошқа агрегатлар қанчалик сифатли ремонт қилинганлигини яна бир текшириб чиқиш керак.

Терим машиналаридан унумли фойдаланиш, йиғим-терим ишлари таннархини камайтириш ва машинада териладиган пахтанинг сифатини оширишнинг муҳим омили — пахта теришни поток усулида ташкил этишдир. Бу усул жорий қилинганда пахта машина бункеридан бевосита самосвал прицепларга бўшатилади ва тайёрлаш пунктига қоп-қанорсиз етказиб берилади. Ўтган йилги тажриба пахта териш ва тайёрлашда поток усули қўлланилса, ҳар бир тонна пахтани териш ва тайёрлаш пунктига етказиб беришда 6 сўм тежаб қолиш мумкинлигини кўрсатди. Янги усулни кенг қўлланиш, бу йил машиналарда терилган пахталарнинг ҳаммасини ва қўлда терилган пахтанинг бир қисмини қоп-қанорсиз ташиш учун ҳамма чораларни кўриш керак.

«Узсельхозтехника» район бўлимлари, тажриба-намуна хўжаликлари йиғим-теримнинг поток усулини жорий этишда республика колхоз ва совхозларига ёрдам беришлари керак. Пахта териш машиналарини далада группалаб ишлатган ҳолда поток усули қўлланилса, бунинг иқтисодий аҳамияти янада ортади. Бунда терим машиналаридан ва транспорт воситаларидан янада самаралироқ фойдаланилади, шу билан бирга қўшимча ишларга сарфланадиган меҳнат анча камаяди.

Ўтган йиллар тажрибасига таяниб шуни айтиш мумкинки, **бир далада ёки бир-бирига яқин бўлган пайкалларда 3-5 та терим машинасини ишлатиш маъқулроқдир.** Лекин ҳар бир машинага алоҳида жой ажратиб берилиши лозим. Токи, механик-ҳайдовчи терим сифатига ўзи жавоб берсин.

Ҳозирнинг ўзидаёқ машиналарни группа-группа қилиб ишлатиш планини тузиш, ҳар бир группа учун далаларни биркитиб қўйиш, механик-ҳайдовчиларнинг, машиналарга хизмат қилувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш системасини тушунтириш зарур.

Съезд қатнашчилари ўз жойларига қайтганларидан кейин машина теримига тайёргарлиқдаги камчиликларни тузатишда, ҳосилни машинада теришда бошқаларга намуна кўрсатишлари, механизаторларнинг катта отряднни ўз орқаларидан эргаштириб боришлари лозим. Ҳеч шубҳа йўқки, республикамизнинг механик-ҳайдовчилари ҳосилни машинада териш юзасидан олган мажбуриятини партиямиз XXII съезди кунигача бажариш учун ҳамма чораларни кўрадилар. Бу йилгидек, ўтган йилларнинг учинчи йилида пахта ҳосилини машинада теришда кескин бурилиш йўлига айлантирадилар.

Т. Г. ЗИНИН,
Ўзбекистон КП Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлими мудирининг ўринбосари, техника фанлари кандидати.

СУРАТДА: Ўзбекистон механизаторлари III съезднинг бир группа делегатлари.

В. Сироткин фотоси.

САФИМИЗ КЎПАЯВЕРСИН

Мен бундан 15 йил илгари пахтазорга қадам қўйдим. Пахтачилик ишларини чинакамига ўрганиб олдим. Бу соҳада мактаб қучоғида олган билимларим яқиндан ёрдам берди, кексалар иш ўргатишди. Теримда ҳам абжирлик, усталик, моҳирлик керак. Дугоналарим билан қайси соҳадаги ишни бошламайлик, аввал маслаҳатлашиб, кейин бажаришга ушқоқлик билан киришардик. Ҳамма вақт галаба биз томонда бўларди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти мени аввал звенога, сўнгра бригадага бошлиқ қилиб кўтардилар. 1956 йили пахтачилик бригадасига бошчилик қилдим. Шу йили 63 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 47 центнердан ҳосил кўтардик. Кейинги йилларда пахта майдонини кенгайтирдик, ҳосилни оширдик.

Моҳир механизатор Турсуной Охунованинг ташаббуси кўпгина хотин-қизларни ҳаракатга келтирди. Мен ҳам шу ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, қўқандаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш мактабига ўқишга кирдим. Механик-ҳайдовчи бўлиб етишдим. Ўтган йили ўз бригадамда «ХВС-1,2» пахта териш машинаси билан 172 тонна «оқ олтин» тердим.

Бу йилги мажбуриятимиз янада катта. 80 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил топширишимиз керак. Дала ишларида механизациядан кенг фойдаландик. «Универсал»ни ўзим бошқардим, ғўза культивациясини намунали ўтказдик. Бригадамиз аъзолари бу йилги об-ҳаво қийинчилигини мардонавор енгиб, кўнгилдагидек ҳосил етиштирдилар. Бу ишда механизация бизга қўл келди.

Бизнинг колхозимиз КПСС XXII съездини йиллик пахта тайёрлаш планини бажариш билан кутиб олади. Бригадамиз эса, 14 октябргача ўз устига олган мажбуриятини бажармоқчи. Ўз агрегатим билан 250 тонна пахта тераман.

Бригадамизда пахта йиғим-терими бошланди. Теримчиларимиздан Ҳикматой Эсқирова, Мўборак Алиева, Ўктамхон Комиловалар дастлабки кунлардаёқ 75-80 килограммдан пахта термоқдалар. Теримчилар учун маданий-маиший шароит яратиб берилди. Болалар боғча ва яслиси ишлаб турибди.

Пахтакорларимиз Турғуной Ашурова бошлиқ бригада билан мусобақадош. Улар 60 гектар пахта майдонига эга, бунинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилинган. Мусобақадошларимиз ўз ваъдаларига яраша ҳосил етиштиришган, мажбуриятларини съездгача бажаришмоқчи.

Қишлоқ хўжалигининг келажаги механизаторларга боғлиқ. Сафимиз тобора кенгаяверсин.

Ойшахон ЙЎЛДОШЕВА,
Қўқон районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи, механик-ҳайдовчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ВАЪДА АЛБАТТА БАЖАРИЛАДИ

Колхозимизда етиштирилган пахта ҳосили ҳар йили асосан сентябрь ва октябрь ойларида йиғиштириб олинади. Ноябрда эса ҳосилнинг сўнгги граммлари териб олиниб, бутун пахта майдони чуқур шудгор қилиб қўйилади. қишки тадбирлар ҳам яхши ўтказилади. Қишлоқ хўжалиги ишларини механизациялашга, айниқса теримни машиналаштиришга катта эътибор берилмоқда. Ўтган йили етиштирилган пахта ҳосилининг талай қисми машинада териб олинди. Мен «ХВС-1.2» маркали машинада 213 тонна пахта тердим.

Партия Программаси проектида таъкидлаб ўтилганидек, деҳқонларнинг коммунизм мактаби бўлган колхозларда, қишлоқда етакчи социалистик корхона — совхозларда янги техникани эгаллаб олган малакали механизатор кадрлар қанча кўп бўлса, пахтачилигимиз шунча тез равнақ топади. «Оқ олтин»ни янада арзон етиштирилади. Колхозчиларимиз ва механизаторларимиз тарихий хужжатнинг бу сатрларидан бениҳоя руҳланиб, 440 гектар ердаги пахтани машинада теришга ажратдилар. Шу мақсадда янги машиналар сотиб олинди, эскилари эса ремонтдан чиқариб қўйилди. Ҳосили машинада териладиган участкалар механик-ҳайдовчиларга биркитилди. Карталарга қозиқлар қоқилиб, бундан қанча тонна пахта териб олиш мумкинлигини аниқлаб чиқилди.

Мен Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шарофат Баракаева ва Ойдин Очилова ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг пахтасини терадиган бўлдим. Бу йилги мавсумда 250 тонна пахта теришга ваъда қилдим. Менга биркитилган карталарга чигитни ўзим экканман, ғўза қатор ораларини ҳам ўзим юкки томонлама культивация қилганман. Бу эса менга пахтани машинада теришга катта қулайлик беради. Чунки участкаларнинг пастбаланди, ҳосилнинг етилиши менга жуда яхши маълум.

Норқул Очилов ва Латофат Аҳмедова каби механик-ҳайдовчилар ҳам зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар.

Бу йил колхозда 1500 тонна пахта тайёрлаш пунктига қоп-қанорсиз етказиб берилади. Бунинг учун 11 жойда асфальт ётқизилган хирмон жойлар ҳозирланди. Кўсан чувиш ва кўрак тозалаш машиналари ҳам тахт қилиб қўйилди

Колхозимиз 1285 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштиришга ваъда қилган. Партиямизнинг XXII съездини муносиб кутиб олиш учун курашаётган колхозчиларимиз ўз сўзларининг устидан албатта чиқадилар.

Икром ЖУМАЕВ,
Қорақўл районидаги «Октябрь» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

КАТТА ЎЗГАРИШЛАР

Ўн бир йилдан буён звено бошлиғи бўлиб ишлайман. Шу қисқа вақт ичида пахтачиликда жуда катта ўзгаришлар юз берди. Ғўза агротехникаси яхшиланди, бунда асосан машинага таянила бошлан ди. Техника тараққиёти нақадар ўсганлигига биз пахтакорлар шоҳидмиз.

1951 йилда бизнинг звеномиз 5 гектар ерга чигит экиб, гектаридан 16 центнердан пахта топширган эди. 1956 йилга келиб звеномизнинг пахта майдони 10 гектарга етди, ҳосилдорлик эса, 60 центнерга кўтарилди. Шундан кейин ҳам звеномизда пахта майдони йил сайин кенгайиб борди, ҳосилдорлик ортди. 1957 йилда ҳар гектар ердан 62 центнердан, 1960 йилда 70 центнердан пахта топширдик.

Ўйлаб қарасам, ҳосилдорликнинг муттасил ўсиб бориши тасодифий эмас экан. Чунки партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли деҳқончилик маданияти қисқа вақт ичида беқиёс ошди, пахта етиштириш янада тўлароқ механизациялашмоқда.

1954 йилда Тошкентда пахтачилик юзасидан ўтказилган кенгаш, менингча, пахтачилигимизни ривожлантиришда катта омил бўлди. Ўша кенгашда Никита Сергеевич Хрушчев пахтачилик ишларини кўпроқ механизациялаш, янги усулларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, шу йўл билан арзон пахтани кўп етиштириш вазифасини қўйди.

1955 йилда ўн гектар ерга чигит экдик, бунда квадрат-уялаб экиш усулини кенг қўлландик. Ўша йили 80 процент майдондаги ғўзани икки томонлама парвариш қилдик. Бу усуллар пахта етиштиришда асосий ўрин олди.

Босиб ўтган йўлимизга назар ташласам, кишиларда ҳам катта ўзгариш бўлибди. Чигитни квадрат-уялаб экишга қарши чиққанлар бўлмаган дейсизми. Энди ҳеч ким бу усулнинг афзаллигини инкор этолмайди. Терим машиналарига кенг йўл очиб берилди.

Тошкент область, Чиноз районидаги Киров номли колхознинг механизатори Турсуной Охунова КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида (1959 йил) сўзга чиқиб, бир машина билан юз колхозчининг қўлида терадиган пахтасига тенг миқдорда пахта терганлигини айтиб берди. Турсуной ўз юртига қайтиб келгач хотин-қиз теримчиларни пахта териш машинасида ишлашни ўрганишга чақирди. Мен ҳам бу чақириққа қўшилиб, техникани ўргандим.

Ўтган йили 32 гектар ерга чигит ташлаб, гектаридан 70 центнердан пахта топширдик, шундан 220 тоннасини машинада териб бердим. Машинанинг шарофатини қаранг, ишимиз тезлашди, меҳнатимиз енгил бўлди. Бунинг устига, машинада терилган пахтанинг 90 процента биринчи сортга қабул қилинди

Шу йил 17 майда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони билан менга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор» деган фахрий унвон берилди. Бу фақат менигина эмас, балки звеномизнинг барча аъзоларини янада зўр иштиёқ билан ишлашга руҳлантирди.

Бу йил биз катта мажбурият олганмиз. Ҳар гектар ердан 75 центнердан «оқ олтин» етиштириш мақсадида ғайрат билан ишга киришдик, агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга оширдик. Мана энди, даладаги ҳосил кўзимизни, дилимизни қувонтирмоқда.

Ҳар туп ғўзамизни меҳр билан парвариш қилдик. Ҳар бир кўсак меҳнатимиз туфайли бунёдга келган. Бу ҳосилнинг нобуд бўлишига сира йўл қўя олмаймиз. Звеномизда пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўриб қўйилди. Етиштирилган ҳосилнинг 250 тоннасини бир ўзим машинада териб бераман. Бу йил машина терими учун қулай келмоқда. Нимага десангиз, звеномизда ғўза бултургига нисбатан 10 кун илгари ҳосилга кирди. Пахта ҳам барвақт очилди. Шу кунларда ғўза баргини тўктиришга тайёр бўлиб турибмиз: Энди ги муҳим вазифамиз — ғўза баргини тўктиришни сифатли ўтказишдан иборат. Чунки, терим машинасининг унумли ишлаши кўп жиҳатдан ғўза баргининг яхши тўктирилишига боғлиқ. Шундай қилинса, пахта жуда кам ифлосланади, давлатга сифатли пахта топширилади.

Мен Турсуной Охунованинг бутун ҳосилнинг 80-85 процентини биринчи сортга топшириш тўғрисидаги ташаббусини тўла маъқуллайман, звеномиз ҳам бу ташаббусга қўшилди.

Бугун биз механик-ҳайдовчиларнинг учинчи съездига тўпланиб, фикрлашамиз, машина теримини муваффақиятли ўтказиш йўлларини белгилаймиз. Мен шунга қаттиқ ишонаманки, республикамиз механик-ҳайдовчилари бу йил 600 минг тонна пахтани машинада териб олиш мажбуриятларини шараф билан бажарадилар.

Ободон ДУСОВА,
Шовот районидаги Киров номли колхознинг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Республикада хизмат кўрсатган механизатор.

МЕХАНИЗАЦИЯДА ХИСЛАТ КЎП

Бу йил юз гектар ерга чигит эккан эдик. Йил бўйи пешона тер тўкиб қилган самарали меҳнатимиз зое кетмади, мўл ҳосил етиштирилди. Ҳар туп ғўзада 12-14 тадан тўқ кўсак санаш мумкин. Ҳали кўсакка айланмаган шона ва гуллар кўп. Олди кўсаклар очила бошлади.

Мўл ҳосил учун курашга эрта кўкламданоқ бел боғлаган эдик. Чигит экиладиган майдонлар кафтдек қилиб текисланди. Ҳар гектар майдонга 10 тоннага етказиб маҳаллий ўғит солинди. Майда карталар яхлитлаштирилди. Хуллас, чигит экишга зўр тайёргарлик билан киришдик. Чигит ердан униб чиқиши биланоқ ғўза парваришини бошлаб юбордик. Яганалаш ва букетлаш ишлари ўз вақтида ўтказилди. Шундай қилиб, барча майдонда 60х60 сантиметр схемасидаги яшил квадратлар кўзга ташланди. Бу — мўл ҳосил учун курашнинг дастлабки қадами эди, холос. Шу сабабли биз мурғак ғўзаларга ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб туришни, унинг парваришини янада яхшилашни ўзимизнинг шарафли бурчимиз деб ҳисобладик. Ҳар туп ғўзанинг соғлом ва серҳосил бўлишини таъминлашни асосий вазифа қилиб қўйдик.

Бригадамиз аъзоларининг кўпчилиги механизатор. Бунинг фойдаси катта бўляпти. Сағит Фаттоҳов ғўза қатор ораларини кўндалангига ишласа, унинг мусобақадоши Суяр Иброҳимов узунасига культивация қилди Номозбой Абдуллаев билан мен смена алмашиб турдик. Биримиз тонгдан то тушки пайтгача ишласак, иккинчимиз кечгача пахтазорда бўлдик.

Юз гектар ердаги ғўзани 15 киши қўл билан парвариш қилиши мутлақо мумкин эмас. Техника туфайли қўлимиз баланд. Бригадамизга биркитилган иккита чопиқ тракторидан унумли фойдаландик. Натижада ғўза парвариши ўз вақтида олиб борилди, вақтида сув таралди. Ҳаммаси бўлиб тўрт марта узунасига ва тўрт марта кўндалангига культивация ўтказилди, тўрт марта қондириб суғорилди. Ривожланишдан орқада қолган ғўзаларга алоҳида қарадик. Бу эса барча майдондаги ғўзаларимизнинг бир текис ва серҳосил бўлиб етишишига имкон берди.

Ўтган йили барча майдондаги ҳосилни машина билан саранжомлаб олган эдик. Бу йил ҳам шундай қилмоқчимиз. Шуни назарда тутиб, эрта кўкламданоқ ғўзаларни машина теримига мослаштириб парвариш қилдик. Бу йил мен донгдор механизатор Турсуной Охуновани социалистик мусобақага чақирганман. Ўз агрегатим бункеридан 250 тонна «оқ олтин» тўкаман деб ваъда берганман. Ўз сўзимнинг устидан чиқиш учун курашаман.

Шу кунларда ҳам бригадамизда ғўза парвариши давом этмоқда. Ҳосил олишдан орқада қолган майдонлардаги ғўзага «шарват» оқизяпмиз. Ғўзани шамоллатиб турибмиз.

Ф. СЕФЕРШАЕВ,
Чиноз районидаги «Ўзбекистон 30 йиллиги» колхози трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи, механизатор.

ТАЖРИБА-НАМУНА ХЎЖАЛИКЛАРИДА МАШИНАЛАР ТАХТ

Андижон областидаги районларнинг тажриба-намуна хўжаликлари машина теримига тайёргарлик кўришда бошқа колхоз ва совхозларга намуна бўлмоқдалар. Янгиқўрғон районидаги «Москва» колхози механик-ҳайдовчилари терим машиналарини шайлаб қўйишди. Механик-ҳайдовчи Турунбой Раҳматуллаев, Тоштўрғун Қосимов, Турсуной Охунова издошларидан Онахон Мадумарова ва Карима Аҳмедова ўртоқлар терим агрегатларини пайкалга келтириб қўйдилар. Улар машиналар билан 307 гектар майдондаги ҳосилни териб, бункердан 1220 тонна «оқ олтин» тўкишга аҳд қилдилар.

Хўжаобод районидаги «Правда» тажриба-намуна хўжалигида 370 тонна пахтани машинада териш учун ҳамма нарса тахт қилинди. Механик-ҳайдовчи Саломатхон Исмоилова, Шарофатхон Қодирова ўз агрегатларини биринчи бўлиб ремонтдан чиқардилар. Улар мавсумда 150 тоннадан пахта териш учун бошланган мусобақанинг ташаббускори бўлдилар.

Андижон районидаги Ленин номли колхоз механизаторлари тажриба-намуна хўжалиги механик - ҳайдовчиларидан қолишмай, 650 гектар ердаги ҳосилни териб берадилар. Улар 13 та терим агрегатини тайёр қилиб қўйишди. Ўринбуш Юсупова, Нуриддин Нишонов ва бошқа механизаторлар мавсумда 180 тоннадан «оқ олтин» теришга аҳд қилдилар.

Ғ. ОРИПОВ,
Т. ЙЎЛБАРСОВ,
А. ҲАЙДАРОВ.

Очилган қўриқда

Муғлоннинг бундан уч-тўрт йил олдинги қиёфасини Зинанда равшан эслайди: уфққа туташган чўл, чанг-тўзон, ариқ ўзонида сувсизликдан мўрт бўлиб, япроқсиз қолган дов-дарахт. Шувоқ, каррак излаб яйлов кезган сурув-сурув отарлар, меш билан қирқ газли қудуқлардан сув тортган туялар ҳам унга ажабтовур туйилган эди. Мешга қақроқ лабини қўйиб, муздек сувдан сипқирган ёш йигит Камол ва унинг ёнида турган қора кўзли Жумахол манглайидаги терларни артаркан, Зинандага:

— Чўл не-не кишиларни эл қилмаган, сен ҳам кўникиб кетасан, қиз. Чўл даҳшатли кўринади, табиати жуда нозик,— дейишган.

Чиндан ҳам шу йилнинг кузида асрий чўл сукунатини бутунлай йўқотди. Ҳар ер-ҳар ердан парча-парча қўриқлар очила бошланди. Совхоз очилган қўриқнинг қарийб 3 минг гектарига чигит экди. Пахтакор — бу касб узоқ рус қишлоғи Мёртвое селода туғилган Зинанда учун эмас, балки Ому соҳилларида қўй боқиб юрган муғлонликлар учун ҳам янги эди. Ғўза бир сув, айрим пайкалларда мутлақо сув нчмасада, қўрик ўз кучини кўрсатди: чўл тафти илиқ бағридаги ҳосилни августнинг ўрталаридаёқ етилтириб қўйди. Долзарб кунлар бошланди. Камол қайси бир колхозландир «сахийлик» билан юборилган «СХМ-48»ни Зинанда ремонт қилиб бергач, далага жўнади. Шу аснода совхозга иккита янги «ХВС-1,2» келиб қолди.

Директор Фотиҳ Мусин Муғлонда «темир тилини сувдек биладиган» Зинанданинг ҳузурига келди:

— Ишчилар тайёрлаб юборган шундай ажойиб машиналарни ишлатмасдан қўйиб биз жиноят қиляпмиз.

Сезгир қиз учун шу бир шаманинг ўзи кифоя эди. Зинанда Қўқондаги механизация мактабида ўқиб, бу машиналарни бошқаришни ўрганган эди. Жумахол билан 3- бўлимнинг ўртоқ Курбонов бошлиқ бригадасида ишга тушиб кетди.

Чўлнинг сўлим куз оқшоми. Кун бўйи ишлаган қиз «пўлат от»нинг пайкал четига қўйди.

Қиз дала шийпонида туриб уйғонаётган бўзнинг кенг уфқлари, сарғиштоб ғўза баргларига тикиларкан, хаёлини ғўзал рус қизининг сахий манзаралари, туғилиб ўсган қишлоғи банд этди. Мёртвое село олтин либосда. Ўрмонлар шовуллайди, ёмғир қуйиб ўтади...

— Ухла энди, ўрмон малиқаси. Тонгда туриш керак! — Жумахолнинг шўх овози қизнинг ширин хаёл ипларини узиб юборди.

Тонгда уйғонган Зинанда нонуштадан илгари «пўлат от»нинг кўздан кечириб қўяй дея стартерни босди. Мотор ўт олмади. Аккумулятор қани? Қидиришди — топилмади. Кутишга фурсат йўқ — қиз Қаршига бориб, янги аккумулятор олиб келди. Иш юришиб кетди. Зинанда бригада даласида бир кунда уч минг саккиз юз килограммгача пахта териб, бир ўзи 60 теримчининг ишини қилди. Бунинг хўжаликка келтирадиган фойдасини айтмайсизми? Машинада терилган пахта тўрт баробар арзон. План 18 иш кунида тўлгач, бригадир ўзича ҳисобкитоб қилиб кўриб, Зинанда олдига борди:

— Машинада териш жуда фойдали экан, — деди суюниб.

Эртаси тонг ғира-ширасида Зинанда машина ёнига келиб ҳайрон бўлиб қолди: машинанинг ўриндиғи устида «йўқотилган» аккумулятор турар эди.

Зинанда аккумуляторнинг топилганига эмас, кишилар қалбида машинага нисбатан бўлган шубҳа йўқолиб, унинг ўрнини ишонч эгаллаганидан хурсанд эди.

— Раҳмат, синглим, — деди бригадир, — жонимизга оро кирдинг. Майда-чуйда қўнгилсизликлар ўтган бўлса, юрагингдан чиқариб юбор.

Зинанда 3- бўлимнинг бошқа бригадаларига ўтиб кетди. Қўшни бригадир машина йўлига ғов солмоқчи бўлиб аккумуляторни ўғирлагани, эгатга сув қўйгани, сўнг ўзи шарманда бўлгани ҳақидаги шов-шув бу ерга ҳам етиб келган экан. Шу сабабли бригадирлар ҳушинг борида ўзингни тий дегандек унга оқ бодроқдек очилган пайкалларни кўрсатдилар.

Бу — Зинанданинг янги галабаси эди. У 120 тонна «оқ олтин» тергунча Бешкент чўлида ана шундай сўқмоқларни босиб ўтди, энг муҳими баъзи кишилар қалбида пахтазор кемасига бўлган музни эритиб, унга меҳр туғдирди, чўлнинг ажойиб табиатига кўникиб, унинг дилкаш лочинлари билан тутишгандек бўлиб кетди Республикамизнинг атоқли механизаторлари қаторида «Партия XX съезди» совхозининг механик-ҳайдовчиси Зинанда Почтарёвага ҳам «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор» деган фахрий унвон берилди. Бу — азим чўл баҳодирларига берилган юксак баҳо эди

Ҳозир совхоз коллективи терим тараддусини кўряпти. 4500 гектар майдоннинг 1500 гектаридаги ҳосил машинада терилиши керак. Бу майдонлар ажратилиб чиқилди Зинанда совхоз устахонасида контроль-механик бўлиб ишлаб, терим машиналарини сифатли ремонт қилиш билан бирга, Қосим Авазов, Мукаррам Саломов, Олти Бекмуродов ўртоқлар бошлиқ бригадаларининг пахтаси машинада терилиадиган ерларни кўздан кечирди. Миришкорлар билан суҳбатлашди. Улар энг яхши, серҳосил майдонларини машина теримига ажратиб қўйганликларини айтдилар ва бу майдонларнинг «оқ олтин»ини териб беришни Зинандадан илтимос қилдилар.

Зинанда ҳозир 9 та пахта териш машинасини ремонт қилиб қўйди. У мавсумда бир ўзи 170 энг илғор теримчи терган пахтани термоқчи.

С. НУРОВ,
Сурхондарё области.

АПТЕКАЧИ

Шу куни аптекачи Жамил Сейтжонов ишда узоқ ушланиб қолди. Ахир, 15 медпунктга ва қишлоқ касалхоналарига дори-дармонлар бериш, рецептлар бўйича дори тайёрлаш осон иш дейсизми! Ҳар бир рецептни диққат билан ўрганиш; унда кўрсатилган тегишли моддаларни миллиграммларгача ўлчаш, сифатини сезгирлик билан кузатиб бориш талаб қилинади. Мана, у қўлига яна бир рецептни олди. Унда «Москва» совхози медпункти мудири Нуржоновнинг имзоси бор. Рецептга кўз югуртириб, Сейтжоновнинг пешонасига совуқ тер югурди.

— Бундай бўлиши мумкин эмас, — деди у ўзича,— бу ерда қандайдир хатога йўл қўйилган. Кодеиннинг бундай дозаси беморни ҳалок қилиши мумкин.

Жамил дори ичадиган беморнинг ёшини, касалини аниқлаб дорини мукаммал қилиб тайёрлаб берди.

Рецепт воқеаси эртасига фельдшер Нуржонов ишлайдиган қишлоқ касалхонасида муҳокама қилинди.

Жамил Сейтжонов — ёш аптекачи. У бундан уч йил бурун Тошкент фармацевтика институтини битириб келиб, Қорадзак қишлоқ аптекасида ишлай бошлади. Шу қисқа вақт ичида у ўз ишини яхши ўзлаштириб олди. Кишиларга қандай дори керак бўлса Жамил мудир бўлган аптекадан топишади. Уни посёлкада ҳамма доктор деб атайди. Ҳақиқатан ҳам шундай. У қаерда бўлмасин кишилар соғлиғи тўғрисида ўйлайди, ўз маслаҳатларини сира аямайди. Колхоз дала шийпонларида медицина темасида тез-тез лекция ва суҳбатлар ўтказиб туради, санитария постларининг аҳволидан доимо хабардор.

Ёш аптекачи, комсомол аъзоси Жамил Сейтжонов халқ саломатлиги учун тинмай жон куйдирувчилардан. Шу сабабли у ҳамқишлоқларининг юксак ҳурматига сазовор.

И. МАДГАЗИН.

МЕҲМОНДЎСТЛИГИНГИЗ УЧУН ТАШАККУР!

Таниқли ҳинд ёзувчиси Гур Бахш Сингх ўғли Навтеж билан Ўзбекистонда, улуғ Совет Иттифоқимизнинг яна кўпгина шаҳарларида икки ярим ой давомида меҳмон бўлди. У бу ерга ўзбек ёзувчиларининг таклифи билан келиб, Ўзбекистоннинг шаҳар, қишлоқларини кўрди. Киевда, Бокуда, Ереванда, она-Ватанимизнинг пойтахти улуғ Москвада бўлди.

Ёзувчи Гур Бахш Сингх Ҳиндистонга жўнаб кетди. Сиз қуйида унинг Тошкентдан кета туриб ёзган сўнгги таассуротларини ўқийсиз.

Совет Иттифоқининг бешта улкан республикаси бўйлаб машинада, поездда ва самолётда қилган узоқ сафаримдан сўнг, худди ўз уйимдек кутиб олган Тошкентга қайтиб келдим.

Саёҳатимиз вақтида биз ўзларининг озодлиги ва фаровонликлари учун кураш давомида маданий бойликлар яратган кишиларнинг ҳаётини кузатдик ва ўргандик. Бу кишилар Улуғ Октябрь революциясига қадар яшаган одамлардан бутунлай фарқ қиладилар. Шоҳлар ва жаҳонгирларнинг дабдабали шон-шуҳратларини ўтиб кетди, улар билан биргаликда ирқий камситишлар ҳам йўқ бўлди. Кишининг киши томонидан, бир миллатнинг иккинчи бир миллат томонидан эксплуатация қилинишига бутунлай барҳам берилди. Эндиликда тарихда буюк бурилиш юз берди ва ҳамкорлик ва тинч-тотув яшаш равнақ топмоқда, жамики ирқ ва терисининг ранги турлича бўлган кишилар бир-бирлари билан ёт-бегоналардек эмас, балки дўстлардек учрашадилар, уларнинг кўзларида дўстлик туйғулари акс этиб туради.

Мен меҳмони бўлган кишиларнинг яхшилиги ва эътибори орқасида социализм қурилишининг бутун манзарасини кўришга муяссар бўлдим ва ўзлари учун Коммунизм қурибгина қолмай, ёрдамга муҳтож бўлган мамлакатларга қудратли саноат барпо этишга ҳам кўмаклашаётган халқ менда жуда катта таассурот қолдирди. Мен Бокуда ўқиётган Ҳиндистонлик нефтчи-инженерларни учратдим. Совет инженерлари бизга мамлакатимиздаги бой нефть конларини қидиришда ёрдам бераётирлар. Бизнинг нефть конларимизни инглиз ҳукмдорлар ҳеч нарсага арзимайдиган деб жар солган эдилар. Ҳолбуки, нефть саноатни ҳаракатга келтирувчи фактор ҳисобланади.

Киевда эканлигимда Ерни 17 марта айланиб чиққан Титовнинг буюк парвози ҳақидаги хушхабар беҳад завқлантирди. Шу ерда мен Коммунистик партиянинг янги Программа проектини ўқиб чиқдим. Мен сизлар билан хайрлашиб кетаяпман, бу хайрлашув дўстлигимиз ипини узмасдан, балки янада мустаҳкамланишидан жуда бахтиёрман. Бу фурсат кўзларимдан ёш чиққанидан ҳам хурсандман. Чунки бу ёшларда сизлар менга кўрсатган барча яхшиликларингиз акс этади. Мен доим сизларнинг соғлиғингиз ва бахтингизни тилайман. Меҳмондўстлигингиз учун ташаккур!

ГУР БАХШ СИНГХ.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ОЛДИДА

Республикамиз областларида кўпгина истеъдодли ижодкорлар бор.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг 25 августда бўлиб ўтган кенгайтирилган секретариатида областларда яшовчи ёзувчиларнинг ижодий активлигини ошириш мақсадида областларда союзнинг кўчма пленумларини ўтказиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, Қозоғистонда бўладиган ўзбек адабиёти ўнкунлиги ва республикамизда ўтказиладиган арман адабиёти хафталигига тайёргарликнинг бориши масаласи ҳам муҳокама қилинди. Бу соҳада Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёти нашриётининг иши қониқарли бормаётганлиги танқид қилинди. Партиямиз XXII съездига бағишлаб чиқарилаётган катта ҳажмлик тўпламларни ҳам сифатли нашр этиш ҳақида ўртоқлар сўзладилар.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

⊙ СССР Қуролли кучларининг XII спартакиадаси тугади. Мусобақада Армия спорт клубининг Тошкент футболчилари энг яхши натижаларга эришдилар. Тошкентликлар яхши тайёргарлик кўрганликлари туфайли Москва ҳарбий округи, Ленинград денгизчилари, одессалик солдатлар коллективи каби энг кучли командаларни енгиб чиқишга муваффақ бўлдилар.

Бу ғалабалари билан тошкентлик футболчилар СССР Қуролли кучлари спартакиадасининг олтин медалини ва спартакиада чемпиони номини олиш шарафига эришдилар.

⊙ Самарқанд «Динамо» стадионида енгил атлетика бўйича мусобақа ўйинлари бўлиб ўтди. Ўйинларда республикамизнинг энг яхши енгил атлетикачилари қатнашдилар. Талантли динамочи В. Ситников янги муваффақиятлар билан ҳаммани хурсанд қилди. Яқиндагина у СССР спорт мастерлари нормасини адо этиб, 10,4 секундда 100 метр масофани босиб ўтиб Ўзбекистон рекордини мустаҳкамлаган эди. Бу safar ўртоқ В. Ситников 400 метр масофани 47,4 секундда югуриб ўтиб, спорт мастери нормасини яна ҳам баланд кўтарди. Натижада республика ҳамда «Динамо» спорт жамияти марказий советининг нормасини оркада қолдирди.

Шу командада ўйнаган Ю. Хмелько шу дистанцияни 47,6 секундда югуриб ўтиб мастерлик нормасини бажарди.

Динамо спортчилари ўзларининг бу муваффақиятларини КПСС XXII съездига бағишлайдилар.

Л. ПЬЯНЦЕВ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Оржоникидзе районидаги биринчи «Қибрай» боғдорчилик-узумчилик совхози мамлакатнинг турли районларига бир неча юз тонна мева ва сабзавот юборди. СУРАТДА: совхоз ишчиси Эмена БИЛОЛОВА помидор узмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

29 АВГУСТДА

19.00 — **Истиқбол эгалари** телевизион журнали, 19.40 — **Телевизион янгиликлар**, 20.00 — **Совет маҳсулоти — деман аъло** (саноат ходимлари учун ўзбек тилида), 20.15 — **Илья Ильф ва Евгений Петров** (рус тилида адабий эшиттириш), 21.00 — **Тўхтасин Жалилов** («Ўзбекистоннинг кекса санъат усталари» циклидан).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Кафанов номли парк. Халқ ижоди уйининг ёзги театри) — 29/VIII да **Севилья сартароши**, 30/VIII да **Штраусиана, Болеро ва концерт бўлими.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 29/VIII да **Ганг дарёсининг қизи**, 30/VIII да **Фурқат.**

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Қизил елканлар — «ИСКРА» (кеч соат 8 дан), «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Ҳалат кийган аёл — «ИСКРА» (кеч соат 8 гача), «МИР», «ДРУЖБА».

Юлдузлар сари биринчи сафар (кундуз соат 12, 1-10, 2-20 минут, 3 ярим, 4-40, 5-50 минут, кеч 7, 8 ва 10 да), **Дунёнинг яратилиши** (кеч 9-20 минутда) — КИНОЛЕКТОРИЙ.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Қизил елканлар — КАФАНОВ номли (кеч соат 8 яримда), «ФЕСТИВАЛЬ», ПУШКИН номли, «РАКЕТА».

Ҳалат кийган аёл — «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ХЕВА».

Урмон қўшиғи — КАФАНОВ номли (кеч соат 10-20 минутда), «ПОБЕДА».

Катта ҳаёт — «ОКТЯБРЬ».

Заречная кўчасида баҳор — СТЕПАН РАЗИН номли.

Остравагача борадиган поезд — ТЕЛЬМАН номли.

Милтиқли киши — «УДАРНИК».

Нотаниш аёлнинг хати — «САЛЮТ».

Уч юлдуз — «ШАРҚ».

Ўзбекистон ССР Совнархози ҳузуридаги

„Ташсчётмаш“ заводи

СЧЕТ МАШИНАЛАРИ: перфорацион счёт машиналари, ёзув ва электр ёзув машиналарини,
КОНТРОЛЬ-ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИ: электр, босим, температура, радио ўлчаш асбоблари, материалларнинг механик хусусиятларини синаш асбоблари узунлик ва бурчак ўлчаш асбобларини
РЕМОНТ ҚИЛИШ ЎЧУН,
шунингдек давлат муассасалари билан тузиладиган шартномаларга ва бу муассасаларнинг чақирувига мувофиқ
ўша машина ва асбобларга
ҚАРАБ ТУРИШ ЎЧУН

заказ қабул қилади

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-33. Линейная кўча, 2-уй. Телефон 34-205, қўшимча телефон 3-53.

«ҚОЛГАН ЧИРЧИҚ» БАЛИҚ УРЧИТИШ ХЎЖАЛИГИ

ҳовуз ва кўлларда балиқ урчитиш учун килограмми 1 сўм 35 тийиндан

„Зеркальний карп“

(ЗОҒОРА БАЛИҚ) БОЛАЛАРИНИ

СОТАДИ

Манфаатдор ташкилотлар: Тошкент область, Қуйи Чирчиқ район, Кўрғонча қишлоғида «Қолган Чирчиқ» балиқ урчитиш хўжалигига, шунингдек Балиқчилик хўжалиги бошқармасига (Тошкент шаҳар, Куйбишев кўчаси, 45-уй) мурожаат қилсинлар.

ТОШКЕНТ ГРАМПЛАСТИНКАЛАР УЙИ

Ш. Руставели кўчаси, 43-уйдан
Луначарский шоссе, 15-уйга

кўчди

(1, 2, 4, 8-автобус, 3-трамвайнинг «Пушкин майдони» остановкаси)

ЁШ КАРИКАТУРАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«МУШТУМ» ЖУРНАЛИ РЕДАКЦИЯСИ ҲУЗУРИДА

ЁШ КАРИКАТУРАЧИЛАР ТУГАРАГИ

ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ

Тўгарак машғулотларига фабрика-завод, колхоз-совхоз, олий ўқув юртлари, кўп тиражли ва деворий газеталарнинг ҳаваскор рассомлари, шунингдек рассомлик ўқув юртларининг студентлари таклиф этилади.

Тўгарак машғулотлари ҳар ойда икки марта ўтказилади.

Редакциянинг адреси: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 26- хона.

ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИГА

инженерлар ва техниклар, электросваркачилар, қолипчилар (жўлда ва машинада), токарлар, фрезерчилар, ускуна ремонт қилувчи слесарлар, металл конструкцияларни йиғувчи слесарлар, инструментчи слесарлар, электромонтёрлар, ёрдамчи ишчилар, электросварначи шогирдлари ва қолипчи шогирдлари

керак

Огородная кўча, 15-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин (4, 5-троллейбус, 21-автобусинг «Заводская» остановкаси).

«ЎЗХУДОЖПРОМ»ГА

юрисконсультант, саноат корхонасининг бош бухгалтери, бухгалтер-ревизор, русча машинистка

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Шпильков кўчаси, 15-уйда бош бухгалтерга учрашилсин.

Ўзбекистон ёзувчилар союзи правлениеси, партия ва касаба союз ташкилотлари ёзувчи Аҳмад Бобожоннинг онаси Бенажон БОБОЖОНОВАНИНГ вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳуманинг оиласига таъзия изҳор қилади.

ОЛАМДА ЯНГИ ГАП

БРАЗИЛИЯНИНГ УЛУҒ ХАЛҚИ ЕНГАДИ

<>

ҒАРБИЙ ГЕРМАН БРОНЕТАНК ҚЎШИНЛАРИ АНГЛИЯДА

СУРБЕТЛАРЧА ИҒВОГАРЛИК

БЕРЛИН, 27 август. (ТАСС). 26 август кечқурун Ғарбий ва Демократик Берлин ўртасидаги чегарада янги иғвогарлик қилинди. АДН агентлигининг хабар беришича, халқ полициясининг бир группа хизматчиларини Ғарбий Берлин территориясидан номаълум шахслар ўққа тутган. Халқ полицияси президиумининг хабар беришига кўра, полициячилардан бири ярадор бўлган.

АНГЛИЯ ТАРИХИДА ҚОРА КУН

ЛОНДОН, 26 август. (ТАСС). 25 август жума куни Англия тарихига қора кун бўлиб киради, деб ёзади «Дейли уоркер» газетаси ўзининг редакцион мақоласида ғарбий герман бронетанк қўшинларининг дастлабки қисмлари Англияга келганлигини шарҳлаб.

Эндиликда, бундесвер қўшинлари Англия ерида турган бир пайтда, деб ёзади газета, мамлакатимиз Аденауэр аравасига занжирлаб қўйилди. Агар у Германия Демократик Республикасига ҳужум қилса, деб давом қилади «Дейли уоркер» газетаси, у ҳолда бизнинг мамлакатимиз автоматик суратда конфликтга тортилади.

«Шундай вақтда бундесвер қўшинларининг келиши, — деб огоҳлантиради газета, — Ғарб давлатларининг фаросатсиз сиёсати натижасида Англия учун бусиз ҳам жиддийлашиб қолган хавф-хатарни янада кучайтиради. Бу воқеа Ғарбий Германиядаги энг ашаддий милитаристларни рағбатлантиради. Аденауэрни қўллаб-қувватлаётган ҳамда ўтган урушдаги мағлубият учун ўч олишга интилаётган нацистларни рағбатлантиради».

БРАЗИЛИЯ ПРЕЗИДЕНТИ КУАДРОС ИСТЕЪФО БЕРДИ

НЬЮ-ЙОРК, 26 август. (ТАСС). Рио-де-Жанейродан хабар берилишича, Бразилия президенти Жанио Куадрос кеча истеъфо берган. Куадрос «мамлакат ичкарисида ва ташқарисидан ўзига тазйиқ қилинганлиги муносабати билан ўз мамлакатининг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги ишини давом эттира олмаслигини истеъфо бериши учун сабаб қилиб кўрсатган.

Бразилия президенти Жанио Куадроснинг истеъфо беришида Уолл-Стрит ва Вашингтоннинг тазйиқи шубҳасиз роль ўйнади.

Бундан атиги бир ой муқаддам президент Куадрос АҚШ нинг Бразилиядаги элчиси Кэботни Бразилияга қандай ташқи сиёсат юргизиш ҳақида буйруқ беришга уринганлиги учун умум олдида қоралаган эди. Куадрос, Бразилия «ўз ишига аралашишга ҳеч кимнинг ҳаки йўқ деб ҳисоблайди» деган эди. Бироқ аралашиш давом эта берди ва президентнинг истеъфо беришига олиб келди.

Президент Куадрос истеъфога чиқиши ҳақидаги аризасида ташқаридан қилинган тазйиқнинг қандай формада бўлганлигини хабар қилмайди. Лекин бу тазйиқнинг фақат иқтисодий тазйиқгина бўлиб қолмаганлигига ҳамда Кубага бостириб кириши ва Гватемаладаги реакцион тўнтаришни уюштирган Аллен Даллес марказий разведкачилик бошқармаси бунда ўз ролини ўйнаганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Гуанабара штатининг губернатори Ласерда бошчилик қилган ички реакция Куба саноат министри Эрнесто Геваранинг Бразилия олий ордени билан мукофотланганлигидан президент Куадросга ҳужум қилиш учун бевосита баҳона сифатида фойдаланди.

Конгресс Куадроснинг ва унинг ҳукумати ъзоларининг истеъфосини қабул қилди. Расмий визит билан Хитой Халқ Республикасида меҳмон бўлиб турган вице-президент Гуларт қайтиб келгунча президент вазифаси депутатлар палатаси раиси Р. Мадзилли зиммасига юкланди.

Кейинги хабарларга кўра, Куадроснинг кутилмаганда истеъфо берганидан кейин Бразилияда кескин аҳвол вужудга келган. «Леопольдина» компаниясининг темир йўлчилари реакциянинг найрангларига қарши норозилик билдириб, забастовка бошлаганлар, забастовка Гуанабара, Минас-Жераис ва Эспирито-Санто штатларига ёйилган. Касаба союзлари Куадрос юргизган сиёсатни қувватлаб чиққанлар.

Рио-де-Жанейрода «Куадрос яшасин, Ласерда йўқолсин!» деган шиор остида намойишлар бўлди. Студентлар АҚШ элчихонасининг дераза ойналарини синдирганлар.

Хабар берилишича, Бразилия армияси ҳам Куадроснинг истеъфосидан норози эканлигини билдирган.

ЖИНОЯТКОРОНА «ЯНГЛИШИШ»

РИМ, 27 август. (ТАСС). Ғарбий герман ҳарбий самолётлари Сардиния оролида аҳоли яшайдиган Сан-Жованни-ди-Синис пункти яқинидаги пляжни янглишиб бомбардимон қилдилар. Бу ҳақда кеча Италиянинг ҳамма газеталари хабар берди. Пляжда катта бомба портлаб, чўмилаётган кишилар ўртасида ваҳима туғдирди. Тасодифий равишдагина қурбондар бўлмади.

Бомба ташлаган самолётлар ғарбий герман ҳарбийҳаво кучларига қарашлидир. Италия ҳукумати уларга машқ учишларини ўтказиш учун Сардиниядан база бериб қўйган.

Прогрессив матбуотнинг хабар беришича, ғарбий герман учувчиларининг жинояткорона ҳаракатлари орол аҳолисининг ғазабини қўзғатди. Орол аҳолиси Сардиниядаги НАТО базаларида жойлашган америка, канада ва ғарбий герман самолётларининг бу хил «янглишиш»ларини ҳали эсидан чиқаргани йўқ.

ФИДЕЛЬ КАСТРО БАЁНОТИ

ГАВАНА, 27 август. (ТАСС). Гавананинг ҳамма газеталари Бразилия президенти Жанио Куадроснинг истеъфо беришга мажбур этилганлиги муносабати билан Куба бош министри Фидель Кастронинг баёнотини босиб чиқардилар.

Бизнинг халқимиз, деди Куба бош министри, президент Куадроснинг истеъфосидан жуда хафа бўлди. Бразилия президентининг ўз лавозимидан кетиши муносабати билан Америка халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини астойдил ҳимоя қилаётган кишиларнинг биридан ажралиб қолди. Жанубий Америкадаги буюк миллатни мустақил ташқи сиёсат йўлидан, тинчлик йўлидан, бошқа халқлар билан савдо-сотиқ соҳасида ҳамкорлик қилиш ва дўстлик йўлидан олиб борган раҳбардан ажралиб қолди.

Фидель Кастро Бразилиянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ва Пунта-Дель-Эстеда яқинда ўтказилган конференцияда мустаҳкам йўл тутганлигини таъкидлаб, қуйидагиларни айтди:

Американинг реакцион кучлари, янкиларнинг давлат департаменти, империалистик монополиялар ва халқларимиз миллий мустақиллиги ва суверенитетининг душманларигина бу хабардан мамнун бўлишлари мумкин. Куадрос Кубани Қўшма Штатларнинг интервенция сиёсатидан астойдил ва қатъий ҳимоя қилди. Куба ҳозирги оғир пайтда Куадрос билан ва Бразилия халқи билан бирдамдир. Куба ишонч билдириб айтадики, ишчилар, деҳқонлар, студентлар, соф виждонли ҳарбий хизматчилар, ҳуллас Бразилиянинг бутун улуғ халқи империализм ва реакциянинг хоинларча берган зарбасини муваффақиятли суратда даф қила олади ва ана шу оғир синовдан ғолиб чиқа олади.

Маршал Тейшейра Лотт қамоққа олинди

ПАРИЖ, 27 август. (ТАСС) Франс Пресс агентлигининг мухбири Рио-де Жанейродан хабар беради: Бугун эрта билан маршал Тейшейра Лоттнинг қамоққа олинганлиги маълум бўлиб қолди. Тейшейра Лотт кеча вице-президент Гуларт президент лавозимига тайинланишини ёқлаб гапирган эди. У, Гулартнинг президент қилиб тасдиқланишини қўллаб-қувватлаб, армияни ва халқни конституцияни ҳимоя қилишга даъват этган эди.

1960 йилда ўтказилган сайлов вақтида Тейшейра Лотт президент лавозимига номзод қилиб кўрсатилди ва икки миллион овоз олди. Жанио Куадросга эса уч тўрт миллион киши ёқлаб овоз берган эди.

ЖАЗОИР РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТИ ҚАЙТА ТУЗИЛДИ

ПАРИЖ, 27 август. (ТАСС). Тунисдан олинган хабарларга кўра, Жазоир Республикасининг муваққат ҳукумати қайтадан тузилган. Жазоир Республикаси муваққат ҳукумати Министрлар Советининг раиси қилиб Фарҳод Аббос ўрнига Юсуф бин Хедда тайинланган.

БИЗЕРТАДА АҲВОЛ

СУРАТДА: ярадор бўлган тунисликлар.
Сурат «Юманите» газетасидан олинган.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334. 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия гурмуши — 33469. Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри

Р. 01066. Нашр. Б. 202.